

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**369 Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш
ва уларни тасарруф этишни таъминлаш чора-тадбир-
лари тўғрисида**

Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни, шу жумладан уларни сотиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бизнесини ривожлантириш учун уларнинг устав фондларига киритиш ёки уларга ижарага бериш йўли билан, таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини оқилона тасарруф этишни таъминлашга доир таклифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар:

кейинчалик оқилона фойдаланиш ва тасарруф этиш учун бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларининг аниқланган рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш чора-тадбирлари дастури 2-иловага* мувофиқ белгилансин.

3. Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан келгусида оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга доир таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб аталади) таркиби 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011 йил 1 декабргача 1-иловада кўрсатилган объектларни улардан фойдаланишнинг замонавий талабларига мувофиқлиги юзасидан техник кўриқдан ўтказишни белгилangan тартибда таъминласин ҳамда ҳар бир обьект бўйича улардан бундан кейин фойдаланиш имкониятлари, шу жумладан фаолият йўналиши бўйича фойдаланиш имконияти, ёхуд бузуб ташлаш зарурлиги тўғрисида хулоса берисин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 3-илова берилмайди.

шунингдек объектларни балансда сақловчилар билан биргаликда 2012 йил 1 январгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекцияларининг тегишли хulosалари асосида:

объектлар базасида минтақаларни ривожлантиришнинг тасдиқланган дастурларига ва шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш учун уларнинг базасида кичик саноат майдончалари барпо этиш учун — муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда;

ёш оиласар ва вояга етган етим болалар учун турар жойларга, шунингдек бошқа ижтимоий инфратузилма объектларига қайта ихтисослаштириш учун — молиялаштириш манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда;

кейинчалик сотиш, изярага бериш ёки тадбиркорлик субъектлари иштирокида ташкил этиладиган устав фондига қонун хужжатларида белгилangan тартибда давлат улуши сифатида киритиш учун;

бўшаб қоладиган ер участкаларини кейинчалик маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфига берган ҳолда белгилangan тартибда бузиладиган объектларнинг рўйхатларини аниклаб улардан бундан кейин оқилона фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича Ишчи комиссияга асосли таклифлар киритсинлар.

6. Ишчи комиссия (Хўжаев) 2012 йил 1 февралгача бўлган муддатда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларини пухта ўрганиб чиқсан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига 1-иловада кўрсатилган объектлардан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш чоратадбирларини амалга ошириш бўйича хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Белгилансинки, 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган объектларни бузиш ва балансдан ҳисобдан чиқариш бўшаб қоладиган ер участкалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ҳолда белгилangan тартибда балансда сақловчилар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда амалга оширилади.

8. Бюджет маблағлари ва объектларни балансда сақловчиларнинг бюджетдан ташқари даромадлари, маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнози ошириб бажарилишидан олинган маблағлар, объектлар бузилгандан кейин қоладиган қурилиш материалларини сотишдан тушадиган маблағлар, шунингдек давлат мулкини сотишдан олинган Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрида қоладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекцияларининг хulosаларини олиш ва объектларни бузиш билан боғлиқ харатжатларни қоплаш манбалари этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Савдо-саноат палатаси, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти манфаатдор орган-

лари билан биргаликда бир ой муддатда ижарага бериш ёки сотиш учун тадбиркорлик субъектларига таклиф этилаётган фойдаланилмаётган бинолар ва хоналар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича Интернет тармоғида ахборот базасини ташкил этсин ва уни доимий равишда янгилаб борсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 8 сентябрь,
251-сон